

Сохибкирон хазрат Амир Темур хаётлигида ўгиллари а неваралари ўттиз олти киши бўлиб, шуларнинг орасидан Халил Султон отлиг набирасини бошқача мухаббат билан яхши кўрар, ўн тўрт яшарлигидаёк уни валиахд киламан деб кўнглига тугиб кўйган ва бунга асослари етарли эди.

Биринчидан, унинг зоти тоза ва улуг эди: онаси Севинбека Олтин Ўрда подшохи Ўзбекхоннинг набираси эди; отаси тўнгич ўгли баходир Мироншоҳ бўлиб, кўп жангларда қахрамонлик намуналарини кўрсатганди.

Иккинчидан, 1384 йилда тугилган Халил Султон ташки кўриниши кўркам, қадди алифдек типпа-тик, юзлари чиройли бўлгани етмагандай яна хушхулк ва мулойим, сўзида турадиган, садокатли бола эди. Бирон киши унинг ёлгон ишлатгани ёки ваъдасига хилоф иш қилганини кўрмаган эди.

Учинчидан, харбий соҳада жасур ва кўркмас, тадбирли ва оқил эди. Унинг бу томони Амир Темурнинг 1398 йилги Хиндистон сафарида яққол кўзга ташланди. Тарихчи Гиёсиддин Алининг ёзишича, 1398 йил 17 декабрь куни Темур кўшинлари билан хинд подшохи Махмуд Султон кўшинлари юзма-юз бўлдилар. Темур, кўшинларини Баҳолий Пуштаси деган тепалиқда жангга мослаб жойлаштирди: икки шахзода Пирмухаммад билан Сулаймоншоҳни ўнг канотга, икки шахзода Султон Хусайн билан Халил Султонни сўл канотга, шахзода Рустам ил Шайх Нуриддин, Шохмалик ва Оллохдодқаби саркардаларини манглайга кўйди; ўзи кўшиннинг олд томонига турди. Карши томонда Дехли подшоши Султон Махмуд, Маллухон ҳамда Хиндистоннинг таникли кўмндонлари, жаҳонга танилган лашкарбошилар саф тортишди. Уларнинг ўн минг отлик аскарлари, йигирма минг пиеда аскарлари, бир юз йигирмата жангга ўргатилган филлари бор бўлиб, довул пайтидаги дахшатли денгизни эслатарди. Филлар устида айлана ёғоч ўриндиклар ўрнатилган, бу жойларда камон-садокли мерган ўкчилар ўтиришарди. Хартулари бир-бирига кўшиб боғланган филларнинг каторлари ёнида кора тутунли олов ва гулдурас овозлар таратувчи махсус ўкотарлар бор эдики, булар ҳар қандай боитр одамни ҳам таҳликага солар эди. Не-не жангларда жасорати ва қахрамонлиги билан танилган Ҳожа Фазл, Жалол Коший, Абдулжаббор сингари сардорлар жангга кирмаслик учун сохибкирондан изн сўрадилар. Ўша куни Амир Темур, у ҳолда сизлар қаерда бўласизлар, деб сўраганида, хотинлар ичида бўламиз, деганлари халқ ичида латифа бўлиб кетган эди. Аммо Халил Султон денгиздай босиб келган ракиблар билан қуюнга ўхшаб юзма-юз бўлди. Иблиссифат филлар хартуми билан одамларнинг бошларини соккадай тутиб олиб иргитиб келаётган бир паллада у қилич билан филга ташланиб, уни яралади ва бўйнига сиртмоқ солиб чўккалатиб кўйди, жангдан кейин эса етаклаб келиб, бобосига совға қилди. Хинд сафари галаба билан қунаганиб, қилиблар Самарқандга қайтишганда, Темур энди Халил Султонни валиахдим деб гапира бошлаган, бутун Самарқанд халқи уни муборақбод этиб, бошларидан гуллар ва сочқилар сочган эди. 1399 йили Темур Халил Султонни уйлантириб кўйди. Ўзининг Шербекка ого деган синглиси ва амирзода қуёви Алининг қизи Жаҳон Султонбегимни олиб берди. Жаҳон Султонбегим оппоқ юзли, бўйи сал пастрок бўлса ҳам, қомати қарағайдай тиккатик ва текис, сочлари қуюқ, қамғап-қамсуқум, аммо метин иродали қиз эди. Қиличбозликни, от минниши ҳам ўйинлар, сочларини телпак остига қистириб ё рўмол билан тангиб, йигитлар қатори жанг-жалдалга ҳам кириб кетаверар эди. Бу гапнинг ҳеч қандай муболагали жойи йўқ. Тарихчи Ибн Арабшоҳ: “Темур аскарлари ичида аёллар ҳам

кўп бўларди. Эркак жангчиларга карши туриб, найза санчишда, килич билан зарба беришда ва камондан отишда эркаклардан ҳам ортиқроқ иш қилган пайтлари кўп бўларди”, деб ёзади. Жаҳон Султонбегим шундай аёллар тоифасидан эди.

Бир дафъа Халил Султоннинг онаси Севинбека эри Мироншоҳ ичкиликка берилиб, давлат ишларини ташлаб қўйгани, оқибатда Эрон ва Озарбайжон тарафларда нотинчликлар бўлаётгани хақида хабар келтирди. Амир Темур Халил Султонни олиб, олдин Табризга, сўнг ўзи барпо этган Корабоққа борди. Ўгли Мироншоҳни бир неча дарра урдириб жазолагач, юртни безовта қилаётган элларни тинчитди. Сўнг Корабоқда хурсандчилик қилдилар. Шу ерда Халил Султон билан Жаҳон Султонбегим бир ўғил кўрдилар. Тўй устига тўй бўлиб, шодлик садолари кўкларга етди (1400).

Темур 1399-1404 йилларда Араб Ироқи ва Шом сафарларини зафар билан якунлагач, Араб Ироқи, Озарбайжон, Аррон, Мугон, Гуржистон ва Ширвон мамлакатларини Мироншоҳ ва унинг фарзандлари Абу Бакр ва Умар Мирзолар ўртасида тақсимлаганда, Халил Султон Луристонни бериб, ўзи Самарқандга қайтди. Давлат ва ҳуқуқ-тартибот ишларини кўнглидагидек йўлга қўйгандай кейин, Кониқилга келди. Буюк юришларидан фарзандлари ва амирлари соғ-саломат келганлиги шарафига катта тўй қилиб набиралари Улугбек, Иброҳим Султон, Жаҳонгир ва бошқаларни уйлантирди. 1404 йилнинг 7 сентябрида бошланган шодиёналар худди эртақлардагидай қирк кеча-кундуз давом этди. Тўйга Хитой, Олтой, Чекка Мағриб, Миср, Рум, Фаранг ва Хинд мамлакатларининг элчилари, шунингдек, барча ўғил-қизлари, келин-куёвлари катори Луристондан Халил Султон билан Жаҳон Султонбегимни ҳам даъват этилганди.

Тўйда йигирма ёшли шгирақайф Халил Султон хонимлар каторида ўзи тенги бир кизни учратди. Чакнаб турган қоп-қора шахло кўзлари аллакандай англашилмас ноз билан уни таъқиб этарди. Шунча жанг-жадаллар, оламни ларзага солган урушларда қилт этмаган юраги ич-ичидан титраши, у томонга юрса оёқ-қўлларининг бўшашиб кетиши шахзода учун янгилик эди. Хар неки бўлмасин, улар яқиндан танишишга эришдилар. Севги қувончлари бошланиб кетди...

Тўйдан кейин Темур ҳукм қилдиким, “ортиқ ҳеч қиши ичмагай!” Унинг фикру хаёли Хитойга сафар масаласи билан машғул эди. Шахзодалар ва бекларга харбий тайёргарлик юзасидан турли топшириқлар берди. Ўзи 27 ноябрда Самарқанддан чиқиб, Оксулот кишлогига келди ва эллик кун ўтирди. Ана шу кунларнинг бирида ҳузурига жияни (келини) Жаҳон Султонбегим арз билан келди ва Халил Султоннинг бир номаълум Шодия исмли киз билан яшаётгани ва хатто уни никоҳига олмоқчи бўлаётгани хақида сўзлади.

Ҳазрат соҳибқирон Шодия қимлигини аниқлаш учун тез суриштирув ўтказди. Хожи Сайфуддиннинг чўриси, никоҳсиз хотини экан. Хожи Сайфуддинбек эса ўзининг эски дўсти ва тенгдоши. Йигитлик чоғларидан буён бирга-бирга жанг қилардилар, энг содиқ амирларидан эди. Амир Шохмалик ва Шайх Нуриддин хожи билан гаплашибдилар. “Халил Султон истаган экан, майли, олсин. Қерак бўлса, яна бошқа чўриларимдан ҳам бераман” депти. ЁҚаллаварам! Бобоси тенги амирнинг саркитини ўзига тенг кўрса-я!” дея аччиқланган Темур, дарҳол икковини тутиб келтиришни буюрди. “Шахзода уни қочирди!” деб қелишди одамлари. Воқеа шу билан тугагандай бўлди. Аммо Темур тез орада “Халил Шодияни никоҳига олибди, энди Шод Мулк эмиш, яшириб ўзи билан олиб юрганмиш” деган хабарни эшитди. Уни тутиб ўлдиртириб юбормоқчи бўпти. Аммо орага тушган Бибихоним, Шод Мулк шахзодадан хомилали, деган хабарни етказганда, ҳукм қилдиким, «Шод Мулкни Туман о-ога топширинглар, туёйандан сўнг болани олиб, шзини бир йулга

хотинликка берсинлар!» Шу тариёа набирасини кечирди-ю, аммо уни валиахд ыилиш ниятидан кайтди. Халил Султон Тошкентга бориб, черик йигиш, Хитой сафарига отлар хозирлашни буюрди. Ўзи Оксулотдан кўчиб, Ўтрорга тушди (1405). Аммо Ўтрор Темурнинг сўнгги манзили эди. Хазрат сохибкирон ўлимидан олдин Пирмухаммад Жахонгирни валиахд килиб тайинлади ва тепасида хозир бўлган барча беклар ва бузурглаarga иттифок билан унга бўйсунуш борасида онт ичишларини талаб килди, ёбу ерда йўк ўзга беклар ва сардорлар ҳам ушбу дастурга амал килсинлар” деб буюрди. Онт ичганлар орасида Шайх Нуриддинбек: “Жонимиз бор экан, бу амру фармонингдан чикмаймиз. Кимда ким сўзингга хилоф килса, харгиз ёриуглик топмас” деб таъкидлади. Бу пайтда Халил Султон Тошкентда, Султон Хусайн Яссида эди, уларга хазратнинг хасталиги огирлашди, жахд билан етиб келинлар, деб одам юбордилар, Пирмухаммад Жахонгир Хуросоннинг олис Разнин вилоятида эди, унга “жахд билан Самаркандга етиб кел” деб хат жўнатдилар. Сохибкиронинг мухаффасини Бибихоним, Тўкалхоним, Туман ого, ўн яшар Мирзо Улугбек ва бошка беклар Самаркандга олиб боришсин, деб карор килдилар. Иброхим Султон бурунгидай Амир Темурнинг ногораларини чалдириб Ўтродан кунчикарга отланди ва Халил Султон билан Султон Хусайнга “Черикларингиз билан етиб келинг, иттифок билан юришни давом эттирамыз!” деб ёзди. Аммо Теумрнинг вафотини эшитган Султон Хусайн Самаркандга юзланди. Бундан шошиб колган Тошкентдаг беклар ўзларича Халил Султонни подшохлакка кўтардилар ва унга байъат килдилар. Шайх Нуриддинбек, уларга, сизларнинг хараатингиз яхши эмас, сохибкирон подшохлакни Пирмухаммад Жахонгирга васият килди. Зинхор хилоф амал килмангким, оламда ёмонотлик ва бахтсиз бўласиз, деб хат ёзди. Аммо Халил Султон макр-хийла ишлатиб Самарканд доругаси Аргуншохни йўлдан уриб, Самарканд тахтини эгаллаб олди. Халил Султон бу пайтда йигирма бир яшар бўлиб, Шод Мулк билан ўрталаридаги мухаббат авж палласида эди. Бу асно Самарканддай бой шаҳар оламда йўк эди. Халил Султон ракам килишга сигмайдиган давлат хазинаси бойликларини амирлар ва бузурглаarga бер бошлади. Айникса мухолифларини сўнги йўк эди. Шод Мулкнинг кариндошлари ва дўстларини киска вақт ичида замон бойларига айлантирди. Ўзи эса Шод Мулкнинг сеҳридан чикмас эди. “Улар гўё кенг кўйлак кийиб, уни икковлари киярдилар ва бирлашардилар. Шод Мулкнинг раъйисиз Халил Султондан биронта фармон содир бўлмас эди” деб ёзади шу вақтларда Самаркандда яшаган ва давр воқеаларига гувоҳ бўлган тарихчи Ибн Арабшоҳ. Шод МУлк хожининг чўриси бўлган пайтида Бобо Тармиш отлик бир хизматкорга ҳам ўйнашлик килган ва уни ўзининг содик хизматкорига айлантириб олган эди. Эндиликда ана ўша Бобо Тармишни мамлакатнинг бош вазири даражасига кўтариб кўйди. Шод Мулк Бибихоним билан Тўкалхонимни ими-жимида захарлади. Амир Темур васияти асосида валиахд тайинланган Пирмухаммад Жахонгир, Халил Султонга хат ёзиб, кандай ҳуқуқ билан тахтни эгалладинг, деб сўраганида, мен бобом тахтни кандай эгаллаган бўлса, мен ҳам шундай килдим, маъносида жавоб кайтаради. Самарканд хазинаси бўшаб колаётгани ва Бобо Тармишнинг бетийик сиёсати оқибатида амирларнинг кайфияти ёмонлашиб, мухолифат ва фитна шамоллари юксала бошлади. Бутун хиёнатлар ва саройдаги ахволдан аччикланган, хозир Хирот тахтидан ҳукм сураётган Шохрух Мирзо Халил Султонни Самарканд тахтидан четлатиш ҳаракатига тушди. 1409 йил баҳорида ҳарбий санъат йўли билан тузокка туширди. Тожу тахт атрофидаги барча талончилар, фитначилар, шу жумладан Бобо Тармиш ҳам жазоланди. Шод Мулкнинг битмас-тугунмас бойликлари тортиб олиниб, ўзини аркон билан боғлаб халқ ичида сазойи килдилар. Шундан сўнг

Шохрух Хиротга арз билан келган Халил Султонни шохона қабул қилди, севгилиси Шод Мулкка қўшди. Мовароуннахр ва Туркистонни ўз ўғли Мирзо Улугбекка хатлаб берди. Халил Султон билан севгилиси Шод Мулкни эса марҳум отаси Мироншоҳ мулклари томонга, Ирок ва Озарбайжонга жўнатиб юборишни маъқул топди. У Халил Султонга шуни маслаҳат қилиб, ўша тарафда хоҳлаган ерида мақом тутиши мумкинлигини айтди. Халил Султон розилик билдиргач, салтанат асбобларини мухайё қилди, бир қанча номдор амирлар билан ўн минг машҳур отликни унга қўшди. 1410 йил баҳорида Халил Султон Ирок томонга жўнади. Олдин Рай вилоятига тушди. Бир-бири билан урушиб ётган амакиваччаларини яраштириш учун Исфажонга борди. Яраштиролмади. У ерда ўлат бошланганда, яна Райга қайтди ва энди шу ерда муқим қолажаги тўғрисида Шохрух Мирзога хат ҳам ёзди.

Ривоят қилишларича, Халил Султон Райга қайтаркан, бир дарвешнинг полизи тепасига борган. У қовун келтириб Халилни меҳмон қилган. Дарвешга иноят қўрсатолмай узр сўраб чиқиб кетган. Райга етиб келганда қасалланган. Шод Мулк билан ўрталарида бениҳоя аламли ва ҳасратли суҳбат бўлиб ўтган экан.

—Севикли амакингиз Шохрух Мирзонинг жосуслари сизга сездирмасдан бир нарса берган, сиз ўшани ичгансиз, — деди Шод Мулк.

—Худодан қўрқ, ундай дема. Менинг Райдаги ўлимим унга қеракми?

—Қерак! Сиз тирик экансиз, Хуросон ва Самарқанд тахти доим хатар остида бўлади!

—Қўйсанг-чи, қерак бўлса у мени аллақачон ўлдирарди. Унинг менда қатта ҳусумати бўлса, шунча амирлар, ўн минг отликни берармиди?

—Никоб бу, никоб! Афқор оммага ўзини олижаноб қилиб қўрсатмоқчи бўлган!

—Йўқ, Шодиям! Мен Исфажонда қовун едим, кетидан ҳеч нарса емадим, балки сув ичгандирман, ичган бўлсам... Балки шундан ичимда бир бузилиш юз бергандир.

—Йўқ, сизга қимдир бир нима берган! Берган!

—Ўзингни бос. Оғир бўл. Банданинг холи бу. Эртага нима бўлишини билмайди одам. Тану жон омонат. Мол-дунё омонат. Тоғу тахт омонат...

Мен кетаман, Шодиям. Энди ҳисоб-қитоблар қиёматга қолди. Сенга васият шулки, қизимиз Хуснигорни Улугбек Мирзонинг ихтиёрига топширгайсан. Балки, улгайганда никоҳига олар. Мендан рози бўл.

Шод Мулк “йўқ” дея қўзлари ёшлу бошини қангаллаб ташга отилди.

1411 йилнинг 3 ноябрида Халил Султон оламдан қўз юмди.

Шод Мулк бир ханжар олиб учини қўқрагига қадади ва бор қучи, бор оғирлиги билан ўзини ерга шундай ташладики, ханжар орқасида икки қураги орасидан тешиб чиқди. Икковларини бир қабрга дафн қилдилар.

Йигирма етти ёшда ўтишди. Нима ҳам қўришди? БУ олам бир меҳмонхона... Ер сира тўймайди.

Одам барибир минг хил ҳаёлга боради: Ҳазрат соҳибқирон Шод Мулкни саройга яқинлатмасликни буюргани тўғрими? Шахзодалар Темурнинг васиятига амал қилганларида Темурийлар салтанати узокрок яшармиди? Қим билади, дейсиз? Тақдир ишларига бир нима дейиш қийин...

